



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI**



**AJINIYOZ NOMIDAGI
NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA
INSTITUTI**

**„TURKIY XALQLAR FILOLOGIYASIDA FUNDAMENTAL
TADQIQOTLAR VA INNOVATSION TA'LIM
TEXNOLOGIYALARI“**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

MATERIALLARI TO'PLAMI



Nukus – 2022

Qoraqalpog‘iston Respublikasida xizmat ko‘rsatgan fan arbobi, „Fidokorona xizmatlari uchun“ ordeni, „Maxtumquli Firogiy“ xalqaro mukofoti sohibi, filologiya fanlari doktori, professor **Karimboy Quramboyev** tavalludining 80 yilligi munosabati bilan o‘tkazilgan „**Turkiy xalqlar filologiyasida fundamental tadqiqotlar va innovatsion ta‘lim texnologiyalari**“ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. (2022-yil 10-noyabr) / O‘zR Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi, Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti. – Nukus: Nukus DPI bosmaxonasi, 2022.

To‘plamdan turkiy xalqlar adabiyotshunosligi: tarixi, nazariya, folklorshunoslik, adabiy jarayon va tanqid, tarjimashunoslik; turkiy xalqlar tilshunosligi: tarixi, nazariyasi, shevashunoslik, qiyosiy tilshunoslik; til va adabiyot ta‘limida innovatsion yondashuvlar bilan bog‘liq maqola va tezislari o‘rin olgan.

Mas‘ul muharrirlar:

K.Allambergenov – filologiya fanlari doktori, professor;
G.Qurbaniyozov – filologiya fanlari doktori, dotsent;
S.Matyakupov – filologiya fanlari doktori, dotsent.

Taqrizchilar:

Z.Bekberganova – filologiya fanlari doktori, professor.
A.Pirniyazova – filologiya fanlari doktori, dotsent.
Q.Qodirov – pedagogika fanlari doktori, dotsent.
F.Sapayeva – filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, professor v.b.

Ajiniyoz nomidagi Nukus DPI O‘quv-uslubiy Kengashi tomonidan 2022-yil 24-oktabrdagi 2-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.

© Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, 2022

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ:

1-sho'ba: TURKIY XALQLAR ADABIYOTSHUNOSLIGI: TARIXI, FOLKLORSHUNOSLIGI VA ADABIY TA'SIR MASALALARI	
Алламбергенов К. Қарақалпақ эпосларында даралық дәретиўшилиқ көринислери (Қыяс жыраў жырлаған «Аманбай батыр» дэстаны мысалында)	4
Agayeva F.A. Nizâmî Gencevî eserlerinde halk ve hükümdar sorunu	8
Хамракулова Х. Болалар тарбиясида еркалаш лейтмотиви yetakchi bo'lgan болалар qo'shiqlarining o'rni	12
Sariyev S. „Go'ro'g'li“ turkumi qoraqalpoq versiyasining qo'lyozmalari	17
Эшонқулова С.И. Нодира услубига доир	19
Sabirova N.E. Xorazm folklori marosimlarining ilmiy-nazariy aspektlari	23
Каримов О., Мирзаев М. Жаҳон адабиётшунослигида поэтика масаласини ўрганишда ўзаро таъсир талқини	26
Ташанов К.Ю. Адабий таъсир ва адабий алоқа: муаммолар ва ечимлар	30
Sabitova T, Boboqulova H. „Malika ayyor“ dostonining badiiyatini ochishdagi mubolag'a san'ati haqida	36
Матекеев С. Эжинияз поэзиясында интим лирика маселелери	39
Бекчанова С.Б. Нақллар структурасининг қиёсий тадқиқи	43
Турсунова Н.Х. Маросим, урф-одат ва примлар муносабати хусусида	46
Adizova N.B. Qiziqmashoq janrining yuzaga kelish omillari	50
Темирова М. Элдик макал-лакаптардын образдык системасы	54
Xaitov X.A. Badiiy adabiyot taraqqiyotida xalq kulgi madaniyatining o'rni	58
Бекимбетов А.М. Халық эпсаналарында хәким улықпан образының сәўлелениўи	61
Раҳмонова Ш.М. Хўжандийнинг «Латофатнома» асари ҳақида	64
Алламбергенова Н.Г. «Алпомиш» достони қорақалпоқ вариантларида насрий матнлар бадийяти	66
Отанова М.С. Yunus Emro – turkiy xalqlar tasavvuf adabiyoti vakili	69
Алламбергенов Х.К. Халқ эртақларида ғайритабийий ва заминий элементлар қоришиқлиги	73
Дўстова С.С. Баёний девонининг 1120 рақамли қўлёмаси	76
Қаландарова Д.А. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати (Карл Райхл тадқиқотлари мисолида)	79
Есебаев М.М. Қаҳарманлық дэстанларында қаҳарманлар образының	82

Ҳафизова Мухлиса. Знакомство с творчеством С.Есенина	353
Жарылқасинова М. Көркем әдебиятта халықлық пафостың илимий-теориялық тийкарлары	357
Ёқубова С. Жадид шеърятита йил фасллари тасвирининг поэтик ифода ракурслари	360
Jaqsiliqova A.S. Satira janrının qalıplesiw tariyxı	363
Karimov I.Y. Alisher Navoiy lirik merosining hozirgi kunda O'zbekistonda va jahon miqyosida o'rganilishi	365
Зинатдинова Г.И. Қарақалпақ лирикасында жол хронотопының берилиў өзгешеликлери (Ш.Сейтов хәм С.Ибрагимов лирикасы мысалында)	371
Karimova N. Nazariy tadqiqotlar: ijod laboratoriyasi	374
Сәрсенбаев Қ.Ж. Әдебият хәм көркем деталь (Т.Қайыпбергеновтың «Уйқысыз түнлер» повести мысалында)	377
Ёқубов О. Ойбекнинг «Навойй» романида табиат ва инсон талқини	379
Арзыев Ш.А. И.Юсупов поэзиясында аллегориялық хәм метафоралық сүүретлеў усыллары	382
Hamroyeva G.T. Sharof Boshbekov dramalarida ayol obrazi	385
Ergashev M., Abdullayeva M. „Tushda kechgan umrlar“ asarida obrazlar talqini	388
Sulaymanova D.H. Specific features of romanticism in William Wordsworth's poetry	392
Алланазарова Ф.К. Ўзбек ҳикоячилигида нореалистик талқин	395
Ergashev M., Abdullayeva M. O'tkir Hoshimov asarlarida davr talqini	397
Maxmidjonov Sh.D., Komilova S.F. Nazar Eshonqulning „Maymun yetaklagan odam“ hikoyasida shaxs va jamiyat muammosi	400
Jo'raboyeva S.A. Usmon Nosir lirikasida mumtoz she'riy an'analar	402
Qurbonova G.S. Badiiyatda ayol ruhiyati tasviri („Jamila“ va „Salom, tog'lar“ qissalari misolida)	405
Abdullayeva N.I. O'zbek adabiyotida talaba obrazi	410
Абдуллаева Г.В. Болалар шеърятита табиат тасвири: издошлик ва ўзига хослик	413
Ибодова Н.К. Мустабид даврда Амир Темур фаолиятини ўрганишдаги Иброҳим Мўминовнинг ўрни	419
Madrimova Y. Turkiy tillarda tarjimaning ba'zi muammolariga doir	424
Махмутова Д.Р. Шавкат Раҳмон шеърятита ижтимоий пафос	427
Ayim Yusupova. Tólepbergen Qayıpbergenovtıń XX ásir aqırı XXI ásir basındaǵı dóretiwshilik ózgeshelikleri	429
Нарметов Э.И. Мухаммад Юсуф лирикасида халқона соддалик ва миллий рух ифодаси	431
Soliyev Sh.X. Sa'dulla Siyoyevning „Dashti qipchoq lochini yoxud Shayboniyxon“ asarida Shayboniyxon obrazi	434

ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ТАСВИРИНИНГ ПОЭТИК ИФОДА РАКУРСЛАРИ

Ёқубова Севинчой,
Алишер Навоий номидаги
ТошДЎТАУ таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада йил фаслларининг жадид шеъриятида қўлланилиши, бадий-эстетик вазифалари таҳлил этилган. Мақолада Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърлари мисолида йил фасллари тасвирининг XX аср бошлари ўзбек шеъриятидаги ўрни ўрганилган. Жадид шоирлари ижодидаги кўпгина шеърларнинг зоҳирий ва ботиний кирралари кузатилиб, муайян умумлашмалар чиқарилган.

Калит сўзлар: Шеърий асар, адабий жанр, туйғу ва кечинма, лирик қаҳрамон, бадийлик, тасвир, ифода, образлилик, рамз, ўзига хослик.

Мумтоз шеъриятда узок асрлар давом этиб келган йил фасллари тасвири билан боғлиқ анъаналар мавжуд бўлиб, шоирларимиз ижодида баҳор, ёз, куз, қиш тасвирига махсус шеърлар битилган. Йил фасллари шоирларимиз учун табиат кўрки-жамолини тасвирлаш билан бир қаторда, инсон руҳий оламини ёритиш, муайян ижтимоий муаммони ақс эттиришда восита ролини ўтаган. Бундай ўринларда адабиётшунос Ё.Исҳоқов таъкидлаганларидек: "...пейзаж тасвири фалсафий, дидактик ёки ижтимоий руҳдаги бирор ғоя, мақсадни ифода этиш учун ўзига хос восита ролини ўтайди". [Исҳоқов Ё. 2:22]

Нафақат лирик шеърият, балки катта кўламдаги асарларда ҳам табиат тасвирига кенг мурожаат этилган. Бунга Алишер Навоийнинг "Ҳамса" дostonларидан мисоллар келтириш мумкин. Алишер Навоий Фарҳод, Лайли, Мажнун, Баҳром, Искандар каби қаҳрамонларининг руҳиятини очишда пейзаждан моҳирона фойдаланган.

XIX аср Хоразм адабий муҳитининг етук вакили Огаҳий ҳам пейзаж яратиш анъанасини маҳорат билан давом эттиради, айниқса, унинг фасллар васфига бағишланган шеърлари эътиборга моликдир:

“Навбаҳор айёми бўлса ҳар ким айш-у боғсиз,
Лоладек бир лаҳза ғамдин кўнгли эрмас доғсиз.
Кимса бўлса боғ-у бўстонсиз, агар фасли баҳор,
Ўйла наҳлидурки бўлғой шоҳау яфроғсиз.

Огаҳийнинг баҳор тасвирига бағишланган мазкур ғазалида ғамгинлик руҳи мужассамдир. Ундаги навбаҳор, лола, боғ, бўстон, шох, япроқ сўз-тушунчалар орқали ғамгинлик, маҳзунлик, шунингдек муайян даражада норозилик туйғулари ҳам ифодаланади. Шеърда табиатнинг баҳор айёмидаги гўзал манзарасию, жамиятдаги иқтисодий ночор инсонлар бир-бирига қарши қўйилади. Табиат манзараси ва инсон тақдирини боғлиқликда ақс эттирилади [Матёкубова Т. 3:130].

XX бошлари ўзбек шеърлятида асосан, инсон дардини табиат воқеа-ходисаларига боғлаб тасвирлаган кўплаб шеърларни учратамиз. Бу анъаналар жадид шоирларининг кўпчилиги шеърлятида ҳам ижодий давом эттирилди. Авлоний шеърлий меросида йил фаслларига бағишланган алоҳида туркум шеърлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири алоҳида таҳлил ва тадқиқ қилишга лойиқдир. Жумладан, “Баҳор” шеърлида шоир меҳнат ва ҳаракатда бўлишнинг фойдалари ҳақида сўз юритади:

Ҳар ким нима экса, албат, шуни ўродур,
Экмағанлар ўзгаларга муҳтож бўлодур.
Келинг, биз ҳам экинимиз бошлаб экамит,
Имтихонда экғанимиз ўриб йиғанмит.
Ҳар ким аввал баҳорини ўткарса бекор,
Ўз келганда Ҳижрон бўлур, ул Тангри безор. [Авлоний. 1: 201].

Маърифатпарварлик руҳи етакчилик қилган ушбу шеърдаги баҳор ва ўз образлари шубҳасиз, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ маъно-мазмун ифодалайди. Халқ мақолларидан унумли фойдалана олиши ҳам шоирнинг маҳоратидан далолат беради. Шоир “Ҳар ким экғанини ўради” мақоли воситасида фикрли таъсирчан ифода этган. Шеърдаги баҳор – меҳнат, илм эгаллаш, ўқиб-ўрганиш, ўз – имтихон, сарҳисоб рамзини ифодалаб келган. Шоир ушбу образлар орқали болаларни билим сирларини чуқур эгаллашга, маърифатга даъват этади. Авлонийнинг “Ўз” номли шеър эса юқоридаги “Баҳор” асарининг мантиқий давомидек туюлади:

Ғайратлилар ғамини эр вақтинда,
Тиртишуб ишлайдур ғанимат кунда.
Ишэкмаслар ўзда юрар гулдураб,
Қиш келганда қолгай кўзи мўлтираб. [Авлоний. 1: 201].

Шоирнинг ушбу шеърлида меҳнатсеварлик руҳи устиворлик қилиб, тинимсиз меҳнат қилиб, тер тўккан инсон албатта, шодликка эришишини, заҳматкаш инсон ундан роҳат топиши ҳақидаги дидактик фикр илғари сурилади. Ғайратли ва ишэкмас тимсоллари бир-бирига зид кўйилиб, тазод санъати қўлланилади.

Бизга маълумки, куз тўкин-сочинлик, йиғим-терим фаслидир. Одатда, анъанавий шеърлятда кўпинча айрилиқ, ҳижрон мавзулари тасвирида куз фаслига мурожаат қилинади. Авлоний лирикасида эса, кузга бирқадар ўзгачароқ ёндашув кузатилади. “Куз” номли шеърлида ҳам Авлоний пурмаъно фикрларини давом эттиради:

Куз кунли кўзлара ямон кўринур,
Яфроғи мисли заъфарон кўринур.
Мева ўрнига боғ – у бўстонда,
Шалдираб қақшаган хазон кўринур.
Гуллар ўрнида хор ила хашак.
Булбул ўрнида зағизғон кўринур.
Кетгай Одам Атони жаннатидек,
Жўйлари бир совур йилон кўринур.
Ўзни кўрдинг, кузни ҳам кўрасан,

Шодлиғ ортидан фиғон кўринур. [Авлоний. 1:202.]

Куз фаслига бағишланган бу шеър орқали шоир баҳор ва ёзда нафса берилиб, вақтини беҳуда ўтказган, меҳнат қилмай дангасаликни касб қилганларни танқид остига олади. Нафса кул бўлишда давом этсалар, ҳадемай бошга қилич кўтариб қаҳратон қиш ҳам кириб келиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Шеърдаги ёз – меҳнат, заҳмат чекиш, куз-ҳазон, йиғим-терим, қиш – машаққат, қийинчилик фасли сифатида берилади. Ботиний маънода инсон умрининг фаслларига ҳам ишора қилинади. Дидактик руҳдаги ушбу шеър моҳиятига “қиш ғамини ёзда кўр” ёки ёшлик қариликни таъминлаш учун муҳим ва ўткинчи бир фаслдиқ каби халқ мақолининг мазмуни сингдирилган. Шоир “Қиш” шеърида шундай ёзади:

Келса қиш, бўлса совуқ, ҳар кимга меъёринча вор:

Йўқга – йўхча, борлара – боринча вор.

Бойлар ёғлиқ паловни танчада ғамсиз эмас,

Камбағаллар оч-яланғоч чекгон озоринча вор.

Ерлара тушган қировлар ҳам дарахтда булдуруқ,

Ёзни яшнаб ўсадургон сабза гулзоринча вор.

Қиш кунинда ҳўл ўтиннинг аччиги,

Ёз кунининг мушки тоторинча вор. [Авлоний.1: 202].

Абдулла Авлонийнинг ушбу шеърида қишнинг инсон ҳаётидаги ўрни ўзига хос тарзда контраст тасвир орқали берилган. Шоир “бор-борича, йўқ ҳолича” мақоли мазмунини шеър моҳиятига сингдириб, қишнинг совуқ ва изғиринли кунлари камбағал ва ночор кишилар учун машаққат эканлигига урғу беради. Қишнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларини тасвирлаш билан бир қаторда, бу фаслнинг ўзига хос, бетакрор қирраларини ҳам урғу берилади. “Ерлара тушган қировлар ҳам дарахтда булдуруқ, Ёзни яшнаб ўсадургон сабза гулзоринча вор”. Бунда ерга тушган қировлар, дарахтлардаги булдуруқлар ўз гўзаллиги жиҳатидан ёздаги сабза гулзорлардан асло кам эмаслиги ифодаси орқали қишнинг ўзига хос жозибасига эътибор қаратилади.

Умуман, Абдулла Авлонийнинг йил фаслларига бағишланган шеърлари нафақат реал ҳаёт воқелигини назарда тутаяди, балки рамзий маънода инсон умрига ҳам ишора қилади. Уларда умримизнинг баҳорини яъни ёшлик йилларимизни беҳуда ўтказмай, доимо ҳаракат ва изланишда бўлсак бахт-у саодатга эришишимиз мумкинлиги тарғиб этилган.

Ҳамза шеърятидан ҳам йил фасллари васфига бағишланган кўплаб мисолларни келтириш мумкин:

Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор,

Ёз ўтуб, қиш келди ҳоло, бизга бўлган йўқ баҳор,

Сарсари боди жаҳолат қилмак истар тор-у мор,

Чора шул: мактаб очайлик, шояд ўлсун сабзалар,

Эй мусулмонлар, қачон бир дарда дармон истариз?

Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз? [Ҳамза.4: 14].

Адабиётшунос Т.Матёкубованинг таъкидлашича: “Мумтоз шоирлар ижодида кўпинча қиш бахтсизлик ва мусибат, кулфат, баҳор ёшлик ва гўзаллик, меҳнат ва фароғат рамзи сифатида ифодаланса, куз-ҳазон фасли сифатида

тушкун бир кайфиятнинг бўлажак фожеанинг даракчиси тарзида тасвирланади” [Матёқубова Т. 3: 90].

Ҳамзанинг юқоридаги мисраларини шу нуқтаи назардан таҳлил қилсак, ёз, киш, баҳор рамзий маънода қўлланилган. Миллат учун қон йиғлаётган лирик қаҳрамон яхши кунлар ўтиб, қайғули, мусибатли кунлар бошланганини ёз ва киш рамзлари орқали ифода этади. Фароғатли кунларни баҳор рамзи орқали ифодалаётган шоир учун миллат дардига даво бу мактаб очиб маърифатга эришишдир. Бу эса халқни тараққиётга бошлайди. Кўринадики, юқоридаги шеърда миллат ва халқ келажаги учун изтироб чекаётган лирик “мен”нинг ички кечинмалари шоирона ифода этилган. Унда шоир фикр қарашлари турли образли ифода ва рамзлар орқали тасвирланган.

Ўзбек адабиёти тарихида жаҳид шеърятининг ўрни катта бўлиб, у нафақат ғоявий йўналиши, балки бадний ўзига хослиги билан ҳам янги тараққиёт поғонасига кўтарилган. Авлоний, Ҳамза сингари шоирлар ижодида йил фасллари, табиатнинг турфа хил манзаралари лирик қаҳрамон руҳий олами билан боғлиқликда тасвирланади. Бунда табиатнинг маълум бир лавҳаси ёки манзараси ижодкор қаламида поэтик образ шаклига киради ва унинг бадний мақсади йўлида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998.
2. Исҳоқов Ё.Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983
3. Матёқубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат. – Тошкент: Фан ва технология, 2010.
4. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 5 томлик. 2- том. – Тошкент: Фан, 1988.